



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 21 август, № 172 (7130)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!



«Ўзаро ишонч ва дўстликнинг тикланиши барча интиқиб кутган воқеа бўлди»

Мутахассисларнинг фикрича, бугун Ўзбекистон амалга ошираётган тинчликпарвар, прагматик ташқи сиёсат минтақамизда туб “тектоник ўзгаришлар”га сабаб бўлмоқда. Бунинг исботи сифатида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг юртимизга давлат ташрифи ҳақида хориж оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материалларни кўрсатиш мумкин.

Хусусан, Франциянинг “Eurasia Times” таҳлилий журналида чоп этилган мақолада икки давлат

EurasiaTimes

раҳбарлари мулоқоти тарихий аҳамиятга эгаллиги эътироф этилган. “Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимиятга келиши ва бошлаган ислохотлари нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё микросида ўз таъсирини ўтказаяпти. Айниқса, Тожикистон билан ўзаро ишонч ва дўстликнинг тикланиши барча интиқиб кутган воқеа бўлди”, дейлади материалда.

Покистоннинг “Dispatch News Desk” газетаси мухбирлари таъкидлаганидек, ўзбек дипломатияси сўнгги вақтда ниҳоятда муҳим қадамларни амалга оширмоқда. Расмий Тошкент дунёда кечаётган жараёнларда кузатувчи сифатида эмас, тўлақонли фаол субъект сифатида иштирок этаётди.

Энг муҳими, минтақада йиллар мо-

ДУНЁ

НИГОҲИ



Dispatch News Desk

байнида тўпланиб қолган муаммолар ўзаро манфаатли асосда ҳал қилинди. Айниқса, ниҳоятда мураккаб ва нозик бўлган минтақа сув ресурсларидан фойдаланиш масаласи борасида ўзаро муроСага эришилгани тарихий воқеа бўлди.

АҚШнинг “Chicago Tribune” газетасида Ўзбекистон ва Тожикистон қўшни мамлакатлар бўлганига қарамай, узоқ йиллар давомида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми паст даражада бўлгани айтиб ўтилади. Бунинг сабаби сифатида чегарани кесиб ўтиш билан боғлиқ қийинчи-

ликлар, транспорт инфратузилмасининг етишмаслиги, божхона ва солиқ тўсиқлари кўрсатиб ўтилади. Протекционизм сиёсати туфайли икки мамлакат фуқаролари ва ишбилармонлари алоқалари чекланган эди.

Эндиликда, деб ёзилади нашрда, расмий Тошкент очкилик ва ҳамкорлик сиёсатини

Chicago Tribune

намоён этмоқда. Душанбе эса дўстлик ҳамда самимият билан бунга жавоб бераётди. Жорий йил икки томонлама муносабатлар тарихида гоят муваффақиятли бўлди: йил бошидан буён турли даражада эллиқдан ортиқ учрашувлар бўлиб ўтди. “Олдинлари бундай жадаллик ва дўстликни ҳатто тасаввур қилиб бўлмас эди”.

Россиянинг “ТАСС” ахборот агентлиги тарқатган хабарда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзолангани маълум

қилинади. Хужжатда мамлакатлараро шерикликнинг узоқ муддатли ва барқарор хусусиятга эгаллиги таъкидланиб, ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгиланган. Шартноманинг имзоланиши, россиялик журналистларнинг фикрича, ўзбек дипломатияси Тожикистон йўналишида амалга ошириб келётган тизимли ва изчил чора-тадбирларнинг мантқий натижаси бўлди.

Хитойнинг “Жэньминь Жибао” газетасида ташриф доирасида ўтказилган қўшма бизнес форуми ҳақида йирик мақола чоп этилди. Материалда шу йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо ҳажми 35,1 фоиз орт-

ТАСС
ИНФОРМАЦИОННОЕ
АГЕНТСТВО РОССИИ

人民日报社
PEOPLE'S DAILY

гани, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг тўртта мажлиси ўтказилгани эслатиб ўтилади.



Депутат фикри

Ўзбекистон — Тожикистон:

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЖАДАЛЛАШАДИ

Ўзбекистон ва Тожикистон Марказий Осиёдаги бир-бирига ҳар жабҳада чамбарчас боғланган мамлакатлар ҳисобланади. Икки халқнинг урф-одатлари, анъаналари, таомлари, куй-қўшиқ ва рақслари жуда ўхшаш. Икки халқ азалдан бир дарёдан сув ичган, қариндошлик, қуд-андалик ришталари билан мустақкам боғланган. Шу боис уларни “икки тилда гаплашувчи бир халқ” ҳам дейишади.

Ўтган икки йил давомида мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг оқилона ташқи сиёсати ва дадил саъй-ҳаракатлари туфайли икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатлар қайта тикланди. Йиллар давомида йиғилиб қолган гина-қудуратлар унутилиб, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш йўлида жадал ҳаракат бошланди. Айниқса, Ўзбекистон раҳбарининг

2018 йил 9-10 март кунлари Тожикистонга амалга оширган тарихий давлат ташрифи билан икки томонлама алоқаларда янги саҳифа очилди.

Икки мамлакат ўзаро муносабатларида кузатилаётган ушбу ижобий ўзгаришлардан, биринчи навбатда, оддий одамлар манфаат кўрмоқда.



ОЛТИН, КУМУШ ВА БРОНЗА

Спортчиларимизнинг дастлабки медаллари шодасида барчасидан бор.



Шу кунларда спорт мухлисларининг диққат-эътибори Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилаётган XVIII Осиё ўйинларига қаратилган. Мусобақанинг дастлабки кунлариданоқ вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишни бошлашди. Терма жамоамиз ҳисобига биринчи олтинни эркин курашчимиз Бекзод Абдурахмонов (74 кг.) туҳфа қилди.

4-саҳифага қаранг



Меҳр-оқибат ва саховат айёми

Тинч-тотув ва фаровон элга байрамлар ярашади, шоду хуррамлик татийди. Халқимиз Қурбон ҳайитини эзгу амаллар ва кўтаринки руҳ билан кутиб олгани ҳам мамлакатимиздаги ҳамжиҳатликдан, дастурхонларимиз файзли, барокатли эканлигидан далолат беради.

ДИЛ СЎЗИ

Бугун юртимиздаги барча жоме масжидларида мўмин-мусулмонлар муборак ҳайит намозини тинч-осойишталикда эмин-эркин адо этдилар.



Халқимиз ҳамжиҳатлигининг ёрқин ифодаси

18-19 август кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Ҳашар давомида қабристон ва зиёратгоҳлар тартибга келтирилди, ариқ ва лотоклар тозаланди, тураржой мавзелари ва ҳовлилар, хиёбонлар саранжом-саришта қилинди. Биргина Экоҳаракат фаоллари ва талабалар томонидан “Юрт ободлигига ўз ҳиссангни қўш!” шиори остида ўтказилган тадбирларда 70 дан зиёд маданият ва истироҳат боғлари ободонлаштирилди.

Қадрият

Айни чоғда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар вакилларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш юмушлари бажарилди. Хусусан, 16 мингдан зиёд кам таъминланган оилалар уй-жойи ҳашар йўли билан таъмирланди, 14 минг нафардан ортиқ ногиронлиги бор кишилар ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий кўмак берилди. Бу савобли ишларга жами 8 миллиард сўмдан кўпроқ, шундан 323 миллион сўмдан ортиқ маблағ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳисобидан йўналтирилди.

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қат-

ламига мурувват ёрдами кўрсатилди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгаши раиси ўринбосари Акмал Шакарров. — Масалан, 345 та оиланинг уй-жойлари таъмирланди, эҳтиёжманд оилаларга моддий кўмак берилди. Шунингдек, ногиронлиги бор кишилар ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди.

— Қалбида меҳр жўш урган инсонлардан бир умр миннатдоримиз, — дейди кон-ликүллик Раима Хожабекова. — Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли уйимиз кўркам қиёфага кирди. Юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар бардавом бўлсин.



Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллиги кўни
байрамига



«Ўзаро ишонч ва дўстликнинг тикланиши барча интиқиб кутган воқеа бўлди»



Ўзаро сиёсий мулоқотнинг тикланиши савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги мавжуд имкониятларни тўла амалга оширишга кенг имконият яратди.

“Икки мамлакат ишбилармонлари ва чегараолди ҳудудлари ўртасида кооперация сўнгги вақтда жадаллашиб, товарлар ва хизматлар айланиши осонлашди. Бўлиб ўтган форум якунида бизнес субъектлари ўртасида қиймати 103 миллион долларликдан ортқ экспорт шартномалари имзоланди”, деб ёзилади “Жэньминь Жибао”да.

Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Молия университети сиёсатшунослик кафедраси доценти, сиёсатшунос Евгений Войко «Спутник» агентлиги муҳбирига интервьюсида Тошкентда бўлиб ўтган мулоқот барча масалаларни ҳал қилиш ва савдо-сотиқни ривожлантиришга туртки берганини таъкидлади. “Ушбу учрашув ҳар икки давлат учун бирдек муҳим аҳамият касб этди. Зеро, уларнинг иқтисодиёти илгари ҳам, бүгун ҳам бир-бирини тўлдириб келган”, дейди мутахассис.

“Yonhap News” ангилеклар агентлиги (Жанубий Корея) эса Тошкентда ўтказилган Тожикистон махсулотлари кўргазмасидан репортаж ҳавола этди. “Ҳозирги кунда Ўзбекистонга қўшни мамлакатдан қурилиш материаллари, цемент, алюминий каби махсулотлар етказиб берилётгани, ўз навбатида, Тожикистон бозоридан “Made in Uzbekistan” ёрлиги туширилган енгил автомобиллар, юк машиналари, қишлоқ ҳўжалиги техникаси, металлургия, электротехника, қурилиш моллари, озиқ-овқат ва тўқимачилик соҳатида махсулотлари мустаҳкам ўрин эгаллаган”, дейилади мақолада.



Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Тақдиридан рози инсонлар юрти



Аммо сектор раҳбарлари бошчилигидаги ишчи гуруҳлар хонадонма-хонадон юриб, тушунтиришлар олиб борди. Давлат бу борада ҳар бир оилани, аввало, ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилишни кўлаётгани ҳусусида суҳбатлашилди. Бугунги кунга келиб уларнинг кўпчилиги бу масъулиятни ўз зиммасига олиб ҳаракат қилгпти. Даромад кўргандан кейин, оиланинг моддий аҳволи анча яхшиланганидан сўнг одамларнинг ҳам фикри ўзгарди. Янада кўпроқ пул топиш, даромад қилиш учун янги бизнесга қўл ураётган ташаббускорлар сони ортди.

Худди шундай ижобий муносабатлар бу йил ўз уйига кўчиб кирган, ҳовли тўйларини бошлаб юборган юртдошларимиз тақдирига ҳам тааллуқли. Бу йил туманимизда 29 та 2 сотихли ва 18 хонадонли 3 қаватли арзон уй-жойлар қурилди. Бунёдкорлик ишлари бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Касбиликларнинг бошқа олис ҳудудларга хос яна бир долзарб муаммоси борки, у ҳам бўлса, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш. Бу масалада ҳам бир қанча амалий ишларга қўл урилди. Шу кеча-кундузда айнан мазкур максадлар учун 13 та объектда 3800 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилгппти. Қишлоқ аҳолисининг яшаш шaroитини янада яхшилашни кўзлаб ишга солинаётган ҳаётий тадбирлар сабаб хонадонларимизга зилол сув кириб бoрyпти.

Тумандаги соғлиқни сақлаш муассасалари ҳам эътибордан четда қолмаётгани йўқ, 9 та объектда қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бошлаб юрилган.

Ортимизда олиб бoрилaётган ислохoтларга нисбатан касбиликлар ҳам ўзининг машаққатли меҳнати, фидо-

Нормўмин ХОЛБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенати аъзоси,
Касби тумани ҳокими.

Халқимиз ҳамжиҳатлигининг ёрқин ифодаси



— Аввалдан қўрилган пухта тайёргарлик боис ҳашарда катта ҳақмдаги иш удалланди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти кенгаши



Ўзбекистон — Тожикистон: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЖАДАЛЛАШАДИ



Айниқса, Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасидаги қатор назорат постларининг қайта очилганлиги, виза режими бекор қилиниши ва икки мамлакат фуқароларининг 30 кун давомида ҳеч қандай руҳсатнома ёки тақлифномани тақдим этмаган ҳолда, қўшни давлатда бўлиши ҳуқуқи ўзбек ва тожик жамоатчилиги, хусусан, чегараолди ҳудудда истикомат қилувчи аҳоли томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Бундан ташқари, икки давлат ўртасидаги темир йўл ва авиақатновнинг тикланиши ҳам одамлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган ҳафтада Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмоннинг мамлакатимизга давлат ташири Президентимизнинг Тожикистонга таширфининг манتيқий давоми сифатида икки томонлама муносабатларни янада юқорироқ босқичга олиб чиқди. Икки мамлакат етакчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, туризм, маданий-гуманитар соҳалардаги ва худудлараро ҳамкорлики ривожлантириш масалалари кенг муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Ўзаро мулоқот натижаси ўлароқ савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик

қилиш бўйича 27 та ҳуқуқий ҳужжат имзоланди. Айниқса, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро стратегик шериклик ҳақидаги шартноманинг имзоланишини таширфининг энг муҳим воқеаси сифатида баҳолаш мумкин. Шунингдек, истикболда Сареэ қўли чўчуқ суви захираларидан бўлиқда фойдаланиш бўйича ҳамда Зарафшон дарёсининг Тожикистон ҳудудида 320 мВт қувватга эга иккита гидроэлектростанцияни қуриш бўйича эришилган аҳдлашувлар кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди.

Тожикистон Президенти мамлакатимиз ҳукумати ва парламенти аъзолари билан ҳам учрашди. Олий Мажлис вакили сифатида биз, айниқса, Тожикистон Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ва Олий Мажлис ҳузуридаги Тожикистон парламенти билан ҳамкорлик қилиш бўйича гуруҳ аъзолари билан учрашувини ижобий баҳолаймиз. Оқиқ ва дўстона руҳда бўлиб ўтган ушбу учрашувда икки мамлакат парламентаари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари кенг муҳокама қилинди.

Маълумки, парламентааро алоқалар давлатлараро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги пайтда дунёда юз бераётган тенденция шуни кўрсатмоқдаки, парламентааро алоқалар замонавий халқаро муносабатларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатяпти. Бундай ало-

қаларнинг доимийлиги ва ишончлиги ўзаро манфаатли ҳамкорлик юритиш, бир-бирини яхши тушуниш, икки томонлама ишончни мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтириш сари интилиш мавжудлигидан далолат беради. Бундай алоқалар, шунингдек, парламент дипломатиясининг мавқени юксалтириш, томонларнинг ўзаро позицияларини яқинлаштириш, давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига олиб келади.

Шу нуктага назардан, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ўзаро муносабатларда парламент омили ҳам муҳим аҳамият касб этади. Барча соҳада бўлганидек, охириги икки йилдан бери мамлакатларимиз парламентаари ўртасидаги алоқалар ҳам анча жадаллашди. Тожикистон Республикаси парламенти — Мажлиси Оли қoшида Ўзбекистон парламенти билан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида эса Тожикистон парламенти билан ҳамкорлик қилиш бўйича гуруҳлар тузилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Жорий йилда Тожикистон парламентиинг қўи палатаси — Мажлиси намояндагон Спикери Ш. Зухуровнинг мамлакатимизга қилган илк ташири парламентлараро алоқаларда муҳим аҳамият касб этди.

Олий Мажлис вакиллари Тожикистонда ва ўз навбатида, Тожикистон парламенти вакиллари ҳам Ўзбекистонда бўлиб ўтган

Маҳаллий Кенгашларда

Пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишларида сенаторлар ҳам фаол жалб қилиниши ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва халқ депутатлари Юнусобод тумани Кенгашининг қўшма мажлисида бу тажриба яна бир бор ўзини оқлади. Туман ҳаётига дахлдор кўплаб долзарб масалалар ўртага ташланди. Мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида масаланинг самарали ечими, бунинг учун қилинадиган ишлар ва аниқ масъуллар белгиланди.

Юнусободликларнинг эътирозига нима сабаб бўляпти?

Қайд этилишича, Юнусобод пойтахтнинг энг ёш, канализация тармоқлари нисбатан янги ва намунали тумани ҳисобланади. Шундай бўлса-да, жойларда мутасадди раҳбарларнинг эътиборсизлиги, масъулиятни ўз зиммасига олмагани турли ижтимоий муаммоларга сабаб бўлмоқда. Тошкент шаҳар туманларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳининг Юнусобод тумани юзасидан ахборотида айни пайтдаги долзарб масалалар тилга олинди. Аксарият маҳалаларда иш ўрни етишмаслиги, коммунал хизматлар сифатининг пастлиги, ички йўлларнинг носозлиги, қонунга ҳилоф қурилишларнинг кўплиги аҳолини ташвишга солмоқда. Шунингдек, айрим фуқароларнинг атроф-муҳитга зарар етказаяётгани, хусусан, сувни ифлослантириш ҳолатларининг мунтазам содир этилаётгани жамоатчиликнинг асосли эътирозига сабаб бўляпти.

— Президентимизнинг Олматор туманида бошлаб берган ташаббуслари пойтахтнинг бошқа туманларини ҳар томонла-

ма ривожлантириш учун намуна сифатида хизмат қилмоқда, — дейди Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Рустам Аминов. — Тумандаги барча бўш ижтимоий муаммоларга сабаб бўлмоқда. Тошкент шаҳар туманларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳининг Юнусобод тумани юзасидан ахборотида айни пайтдаги долзарб масалалар тилга олинди. Аксарият маҳалаларда иш ўрни етишмаслиги, коммунал хизматлар сифатининг пастлиги, ички йўлларнинг носозлиги, қонунга ҳилоф қурилишларнинг кўплиги аҳолини ташвишга солмоқда. Туманнинг бу борадаги иқтисодий салоҳияти ажуда ҳам юқори. Ҳар бир объектни ўзининг ҳақиқий эгасига бериш, бинодан самарали фойдаланиш, энг муҳими, янги иш ўринларини яратиш юзасидан биргаликда савй-ҳаракатлар олиб бoрилмақда.

Йигилишда сўзга чиққанлар уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсуми-

га тайёрлаш, янги санoат ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш, коммунал хизмат кўрсатиш, шунингдек, йўл-транспорт соҳаларидаги муаммолар, уларнинг ечимини топиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган, бугун кўплаб юртдошларимизнинг эътирофига, самийий ташаққурига сабаб бўлаётган “Обод маҳалла” дастури доирасидаги вазифаларнинг туманда сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, маҳалла институти нуфузини янада ошириш вакиллик органларининг услтувор вазифаларидан бири бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Мажлис якуни бўйича Юнусобод туманини комплекс ривожлантириш, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан парламент, депутатлар ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш тўғрисида қўшма қарор қабул қилинди.

Йигилишда Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

Мунисхон КАРИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.



Динара ЧИРКОВА ва Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Президент ва парламент сайловларида МДҲ ва ШҲТ миссияси таркибидаги кузатувчилар сифатида иштирок этиб келмоқда. 2017 йилнинг ноябрида Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида ташкил қилинган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзудидаги халқаро конференцияда қатнашдилар.

Тожикистон Президенти Олий Мажлис вакиллари билан учрашувда истиқболда парламентлараро ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва доимий йўлга қўйиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Самийий ва дўстона руҳда бўлиб ўтган мазкур учрашувда томонларнинг бир-биридан ўрганадиган ва тўлдирадиган жиҳатлар анча қўплиги, парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш йўлида ҳали ишга солинмаган талайгина имкониятлар борлиги алоҳида қайд этилди.

Айниқса, икки мамлакат

Президентларининг ўзаро таширфлари давомида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, инвестициявий ва технологик, маданий-гуманитар, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларда эришилган келишув ҳамда битимларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан парламент назоратини ўрнатиш борада жуда долзарб масаладир. Шунингдек, парламент делегациялари алмашинувини доимий йўлга қўйиш, парламентларнинг қонун ижодкорлиги ва назорат таҳлил фаолияти юзасидан ўзаро таҳриба алмашиш, томонларни қизиқтирган глобал ва минтақавий масалаларни ҳал этиш бўйича ўзаро фикр алмашиш, Ўзбекистон ва Тожикистонда ташкил қилинадиган халқаро конференция ва форумлардан икки мамлакат қонун чиқарувчи олий органлари вакилларининг иштирокини таъминлаш парламентлараро ҳамкорлиқнинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, сўнгги бир ярим йил ичида ўзбек-тожик муносабатларни мустаҳкамлаш сари муҳим қадамлар қўйилди. Ўзаро муносабатларда мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришлар юз берди. Мамлакатларимиз етакчиларининг бевосита савй-ҳаракатлари ва сиёсий иродаси туфайли ўртада конструктив ҳамкорлик муҳити юзага келган ана шундай бир шароитда биз, депутатларнинг асосий вазифаси қайта жонланган ўзаро дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, икки халқни бир-бирига янада яқинлаштиришдан иборатдир. Зеро, Ўзбек-тожик биродарлиги Марказий Осиёда яхши қўшничилик, тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг муҳим омили саналади.

Қодир ЖЎРАЕВ,
Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси,
Олий Мажлисининг Тожикистон парламенти билан ҳамкорлик қилиш бўйича гуруҳи аъзоси.

Халқ вакиллари — вилоятларда

Соғлом овқатланиш масаласи — депутатлар таҳлилида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жойларда аҳолининг соғлом овқатланиши ва соғлом турмуш тарзини юритиш, тиббиёт муассасаларида фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолати атрофлича ўрганилиб, унинг натижалари шу кунларда ҳудудларда ўтказиляётган маҳаллий Кенгашлар сессияларида атрофлича кўриб чиқилмоқда.

Чўночи, селектор тарзида ўтказилган халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг сессиясида таъкидланганидек, вилоятда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, дори воситалари таъминоти ва билрамчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар бажарилган. Хусусан, жорий йилнинг ўтган етти ойда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари шифокорлари бир нечта туман ва шаҳарларда бўлиб, кўплаб фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишди, малакали муолажа тадбирлари ташкил этилди.

Кўн тартибидаги мазкур масала бўйича ўз ечимини кутаётган айрим муаммо ва камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, вилоят соғлиқни сақлаш тизимида шифокор оилавий етишмаслиги, айниқса, қишлоқ оилавий поликлиникалари врачлар билан тўлиқ таъминланмагани энг ўткир масалалардан бири бўлиб турибди. Айни чоғда тиббиёт олий ўқув юртиларига жорий йилги қабулда Сирдарё вилояти учун ҳам квоталар белгилангани ушбу муаммо ечимида муҳим омил бўлгани эътироф этилди.

Қўйи палатанинг Санoат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари А. Пардаевнинг ахборотида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича вилоятда кўплаб тарғибот-тушунтириш тадбирлари ўтказилгани бaрoбаридa, ечимини кутаётган айрим масалалар ҳам борлиги аниқлангани қайд этилди. Хусусан, давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан 2018 йилнинг етти ойда 446 та умумий овқатланиш шохобчасида ўтказилган мониторингга кўра, 1075 нафар ҳодимдан 310 нафари тиббий кўриқдан ўтмаганлиги маълум бўлди. Айни чоғда баъзи озиқ-овқат махсулотлари дўконлари, деҳқон бозори, умумий овқатланиш шохобчаларида санитария-гигиена, сақлаш қоидаларининг бузилиши каби бир қатор камчиликларга йўл қўйилaётганига мисoллар келтирилди.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида ушбу масаланинг бугунги кунда долзарблиги таъкидланиб, бу борада амалга оширилaётган ишлар, йўл қўйилaётган камчиликларга тўхталиб ўтилди. Жумладан, жорий йилнинг 6 ойда вилоят тиббиёт ҳодимлари томонидан аҳоли ўртасида 35 мингтага яқин соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилган.

Бирок ҳозирги вақтда вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларига қарашли 628 та ошхонанинг 50 фоизи таъмирталаб, 26 таси фойдаланишга яроқсиз ҳолатда, 326 та мактабда ошхоналар фаолият кўрсатмапти, 148 та мактаб ошхонасини таъмирлаш 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган манзилли дастурга киритилган.

Айни пайтда вилоят бўйича рўйхатга олинган 13278 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчи-

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
Нормурод ТЕММРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ШОИРИ
ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА

Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудолликка учради. Ўзбекистон халқ шоири, атоқли жамоат арбоби Ҳалима Умматқуловна Худойбердиева 2018 йил 17 август кунин 71 ёшида вафот этди.



Ҳалима Худойбердиева 1947 йилда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида туғилди. 1972 йили Тошкент давлат университетини, 1977 йили Москва Олий адабиёт курсини тамомлади. У ўз меҳнат фаолиятини “Саодат” журналида бўлим муҳаррири сифатида бошлаб, узоқ йиллар давомида ушбу нашрда бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир лавозимларида самарали фаолият олиб борди. 1991 — 1994 йилларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида ишлаб, мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила институтини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. “Ёзувчи” нашриётида, “Гулистон”, “Санам” журналларидаги иш фаолияти даврида адабиётимиз ва журналистикамиз ривожини йўлида сидқидилдан хизмат қилди.

Ҳ. Худойбердиева 1991 — 1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатди.

Ёрқин истеъдод эгаси, улкан сўз санъаткори Ҳалима Худойбердиева ўзининг сермазмун, бадиий юксак шеър ва достонлари, долзарб мавзуларга бағишланган публицистик мақолаларида азиз Ватанимиз ва халқимизга, азалий қадриятларимизга меҳр ва садоқат, мўътабар аёл ва она сиймосига эҳтиром туйғуларини бекиёс маҳорат билан тараннум этди. Унинг ёрқин миллий руҳ ва ҳаётий фалсафа билан йўрилган бетакрор ижоди ўзбек адабиёти хазинасидан, эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллади.

Ижодкор қаламига мансуб ўнлаб бадиий етук асарлар дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинди.

Ҳассос шоира жаҳон ва қардош халқлар адабиётининг кўзга қўрилган намоёндалари асарларини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилиб, миллий адабиётимизни бойитишга салмоқли ҳисса қўшди.

Ҳалима Худойбердиева жонкуяр ташкилотчи сифатида жамоат ишларида, юртимиздаги маданий ва маърифий янгилаш жараёнида фаол иштирок этди. Умрининг охирига қадар “Дугоналар” журналига раҳбарлик қилиб, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда фидойилик намунасини кўрсатди.

Бугунги кунда Ҳалима Худойбердиеванинг ижод мактабида тарбия олган, Ўзбек адабиётида ўзининг мустаҳкам ўрнини топган кўплаб истеъдодли ижодкорлар уни ўзларининг меҳрибон ва талабчан устози деб эътироф этадилар ва қадрлайдилар.

Атоқли сўз санъаткори Ҳалима Худойбердиеванинг ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикаси халқ шоири” фахрий унвони, “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланган эди.

Халқимизнинг ардоқли фарзанди, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ҳалима Худойбердиеванинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолди.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ,
А. АРИПОВ, С. САИДОВ, О. ҲОЖИЕВА

Меҳр-оқибат
ва саховат
айёми



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15 августдаги “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, мамлакатимизда бу йил ҳам ушбу улуг айёмни катта байрам сифатида кенг нишонлашга қизгин ҳозирлик қўрилди.

Юртимиздаги барча маҳаллада мазкур хайру саховат, меҳр-оқибат, шукроналик айёмини юқори кайфиятда қутби олиб ва ўтказиш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Меҳрибонлик, Мурувват ҳамда Саховат уйлариға хомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Маҳаллаларда ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, улар моддий ва маънавий кўллаб-қувватланди.

Президентимиз Фармониға кўра, Қурбон ҳайити кунлари — уч кун дам олиш сифатида ёллон қилингани юртдошларимизнинг айёмни янада кўтаринки руҳда кенг нишонлашга, узоқ-яқиндаги қавму қариндошлари, яқин инсонла-

ри ҳолидан хабар олиб, дўсту биродарлик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, бу мамлакатимизда ички туризм ривожига ҳам катта ҳисса қўшади.

Шукрлар бўлсинки, она заминимиз Яратганнинг раҳмати ёғилган мўътабар диёр, азиз-авлиёлар хоки кўним топган юртирди. Аллоҳ таоло шу табарруқ диёрға ўзининг азиз неъматини — тинчлик-осойишталикни берган, кут-барақа, фаровонлиқни ота этган. Уни асраш, янада мустаҳкамлаш халқимизнинг галдаги асосий вазифаси, авлодлар олдидаги муқаддас бурчидир.

Қурбон ҳайити намозида, тоат-ибодатларимизда юртимиздаги ҳамжиҳатликнинг барқарорлиги, осмонимиз мусавфополиги учун шукрона келтириб, уларнинг бардавом бўлиши учун дуоға қўл очишимиз бу бебаҳо неъматларнинг янада зиёда бўлишиға хизмат қилишидан умид-вормиз.

Раҳимберди
РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон
мусулмонлари идораси
Масжидлар билан ишлаш
бўлими мудир.

ТОШКЕНТ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ
МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳри кундан-кунга чирой очиб, обод бўлиб бормоқда. Айниқса, кейинги йилларда қад кўтараётган кўркем бинолару шинам тураржойларнинг қиёси йўқ. “Шарқ машъали”, “Шарқ дарвозаси” сингари номлар билан таърифи кетган пойтахтимиз эндиликда “Ислом маданияти маркази” сифатида ҳам эътироф этилаётир. Диний йўналишдаги олий ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлар билан бир қаторда масжидлар ҳам халқимизнинг комиллик сари интилиши йўлида хизмат қияпти.

Бунёдкорлик

— Хорижий давлатлардан келган зиёратчилар, сайёҳлар ҳам юртимиздаги масжидларнинг кўркем салобатига, озода ва саришталлигига, ибодатчилар учун яратилган шароитларға хавас билан қарамоқда, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси масжидлар бўлими ходими Асомиддин Аҳоров. — Пойтахтимиздаги масжидларнинг кенглиги, атрофи ободонлаштирилганлиги, озодалиги уларға маъқул тушмоқда.

Бугунги кунда пойтахтимизда
119 та масжид
фаолият юритаётган бўлса, уларнинг
115 таси жоме,
қолганлари маҳаллий
масжидлардир. Бу муқаддас
иншоотларнинг деярли барчасида
кутубхоналар мавжуд.

Яна бир жиҳат. Пахсадан, хом гиштдан қурилган эски бинолар ўрнида пишққ гиштдан қайта тикланаётган масжидларнинг деворлари мрамр плиталар билан қопланишидан ташқари, мажмуавий тус олаётгани ҳам эътиборға лойиқ. Кўкаламзор худудлар, ҳовлилардаги фавворалар иссиқ кунларда атрофға салқинлик бағишлаш билан бирға, бу ерға келувчиларға хуш кайфият улашади. Муҳими, қалб сокинлиги, эзгулик ва маърифат нуридан баҳрамандлик бахш этувчи бундай табарруқ масканлар борлигининг ўзи катта бахт.

Айни кунларда қурилиши давом эттирилаётган пойтахт масжидларининг айримларида бўлиб, бунға ўзимиз ҳам ишонч ҳосил қилдик. Инсон қадр-қиммати мамлакатимизда ҳар нарсадан устун эканлигига ҳар қандай киши масжидлар мисолида ҳам яна бир бор амин бўлади. Бундай масканларнинг кўпайиб бориши аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлашға хизмат қилади.



кўнгилдаги ишдир. Қадим обидаларимиз тикланишида аждоқларимиз ҳам айнан шундай анъанаға ҳамisha амал қилганлар.

Сузуқ отадаги
бекиёс
ўзгаришлар

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 26 май кунин “Сузуқ ота” мажмуасида бўлиб, макбара ва масжидни реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича топшириқлар берган, шу асосда бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган эди. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган мазкур иншоотнинг нилий гўмбазлари бугунги кунда узоқ-узоқлардан ярқираб кўзға ташланади. Яқинлашганда эса қурилиш ишлари жадаллик билан бораётганиға гувоҳ бўласиз.

— Мажмуаниннг Чўпон ота ва Сузуқ ота масжидларидаги асосий


ишлар тугалланди, — дейди қурилиш участкаси бошлиғи Комил Нормухаммедов. — Барпо этилиши мўлжалланаётган ўттизта коттежининг ҳам бир қисми тайёр бўлиб қолди. Президентимиз кўрсатмасига биноан қурилаётган бу иморатлар мажмуға ўзига хос кўркем бағишлайди. Ёғоч билан ишлайдиган ҳўнармандлар оилалари банк кредитлари орқали бу уйларға эғалик қиладилар. Устаконалар, тайёр маҳсулотларни сотиш учун барча имконият яратилиши кўзда тутилган ушбу коттежларда халқимизнинг азалий анъаналарига кўра ички ва ташқи ҳовлилар ҳам бўлади. Ички ҳовлиларда оила аъзолари яшаса, ташқи ҳовлиларда зиёратчилар, сайёҳлар, харидорлар бемалол савдо қилиш имкониятиға эға бўлади.

Мажмуаниннг умумий майдонини етти гектар бўлиб, худудда зиёратчилар ва меҳмонлар бемалол дам олиш имкониятиға эға бўладиган шарт-шароитлар яратилади. Айни кунларда 300 нафардан зиёд қурувчилар фидокорона меҳнат қилиб, бунёдкорлик ишларини поёниға етказиш учун тер тўкмоқдалар. Ҳайитбўи Сатторов, Тоҳир Эгамбердиев, Ойбек Пардаев, Азиз Каримов сингари илғор қурувчилар бекчаларға ибрат кўрсатишмоқда.

— Мана, ишчиларимизнинг ойлик маоши сметасини тайёрляямиз, — дейди ҳар хил қурилиш чизмаларий лойиҳалари бадастир ҳаёда қўйилган узун столнинг бир четида мук тушганан нималарнидир ёзаётган мажмуа иш юритувчиси Искандар Холмуродов. — Шижоатни пасайтиришға ҳаққимиз йўқ. Негаки, бу қурилишнинг бош меъморини ҳам, ташкилотчисини ҳам Президентимиз эканлигини, бир лаҳза бўлса-да, ёдимиздан чиқармаймиш. Келажакда, катта тарихий аҳамиятда молик бўлади бу мажмуа.

Масжидлар қурилишида Аллоҳдан ривож талаб, аҳли муслим дуойи фотиҳа қилиб туришгани

каватли уй биз учун барпо этилди. Шу ўринда халқимизнинг азалий қадриятлари яна бир бор ўзининг ижобий жиҳатини намоён этди. Кексаси бор оилаларнинг пастки қаватларға жойлашиши кераклигини одамларнинг ўзлари муҳокама қилиб, ҳал этишди. Бу ҳам бир бебаҳо фазилат. Анвар ота Ҳўжаев, Озода ая Ҳўжаева, Абдурашид ота Абдуллаев, Жаҳонгир Файзихонов — олди тўқсон ёшда, энг кичиги саксон ёшни қоралаб бораётган бир гуруҳ маҳалла нурунийлари ўзларининг миннатдорлик сўзларини ай-



Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги мажмуаниннг лойиҳавий кўриниши.

тиб, бундан элу юрт бохабар бўлсин, дейишди.

Улуғ олимға
эҳтиром

Президентимиз жорий йил бошида Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишиш жараёнида Чилонзор туманида барпо этиладиган масжидға Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номини бериш таклифини билдирган, бу ташаббус юртдошларимиз томонидан қувонч билан қутиб олинган эди.

Ўзининг асл фарзандлари — олим улаомлари, ижодкорларини эъозлаган юртининг қадри баланд бўлиши тарихий жараёнларда исботини топган. Бугунги кунда мамлакатимизда маданий, маънавий-маърифий жабҳаларда олиб борилаётган ислохотлар орқали бу мангу ҳақиқатнинг амалда рўёбға чиқарилгани дунё афкор оммаси ҳам эътироф этмоқда. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф нафақат юртимизда, балки бутун ислом оламида тан олинган олим эканлигини таъкидлаган давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари билан бошланган масжид қурилишида ҳам бугун ишлар авжида.

— Гишт ва мрамр плита терувчилар, бетончи усталар — 127 нафар қурувчи улуг зот руҳини шод қиладиган ишға ўз улушларини қўшаётганликларидан руҳланиб ишлашяпти, — дейди масжид қурилиши иш юритувчиси Ғанишер Қиличев. — Уларнинг дам олишлари, овқатланишлари учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган, ойлик маошлари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Ушбу жоме масжиди қуриб битказилган, бир йўла икки мингдан зиёд кишилар намоз ўқиши учун имкон пайдо бўлади. Полларига иситиш батареялари ўрнатилаётгани сабабли қиш-қировли кунларда ҳам ибодат қилишда қийинчилик бўлмайди.

Эътибор-

ли жиҳати шундаки, бу ерда 220 ўринға мўлжалланган конференциялар зали ҳам барпо этилмоқда. Бу ерда ислом маданияти ва маърифати билан боғлиқ масалалар, замонавий дунёда муқаддас динимизнинг тугган ўрни бора-бора халқаро анжуманлар, симпозиумлар, тадбирлар ўтказилади.

Масжиднинг теварак-атрофида бир гектарға яқин майдонда ободонлаштириш ишлари йўлга қўйилди. Ҳовлида ва ташқарида кўркем фавворалар ўрнатилади. Қабристон билан масжидни ажратиб турувчи

маҳаллада бутун умрини ўз ҳовлисидаги ерга турли экинлар экиб, зироатчилик, боғдорчилик билан ўтказган, етиштирган ҳосилидан ўз маҳалласи аҳлини ҳам доимий баҳраманд қилиб келган Саид Мўҳсинхон исмли киши бор эди. Зиёли бу инсон меҳнатсеварлиги ва саховати билан маҳалла аҳлиға ибрат, табобат илмидан хабардор бўлгани учун маҳалладошларига қўлидан келган ёрдамни аямай, дардиға малҳам бўлди. Бу киши 1965 йилда, 84 ёшида вафот этди. Маҳалладошлари унинг номини

масжидға берадиган бўлишди. Мана шундан буюн бу масжид аъхшилик, эзгу амалларни халқ ҳеч қачон унутмаслиги рамзи сифатида “Мўҳсинхон тўра” деб юритилади.

Таъмирталаб бўлиб қолгани сабабли ўтган йили Ўзбекистон мусулмонлари идораси кўмаги ва халқ хашари ёрдамида масжидни қайтадан бунёд этишға киришилди. Эндиликда кўркемлик, бетакрор меъморий кўриниши билан кишини ҳайратға солувчи масжид биносида энг сўнгги пардоз ишлари олиб борилмоқда. Юксак санъат намунасини эслатадиган дарвоза остонасидан ичкари қадам босмасин-гиздан ўнг томондаги баландлиги 36 метрлик минорадан хайрат ниго-

девор тортилади. Усмон Солиев, Султон Мамамов, Ҳамза Бобоқонов, Хуршид Бўриев, Зокир Бобоқулов сингари қурувчиларнинг фаолияти ибрат намунаси қилиб кўрсатилаётган мазкур масжид бунёд этилиши баробарида, худуд қиёфаси ҳам ижобий томонға кескин ўзгаради. Ҳар бирининг баландлиги 41 метрдан иборат миноралардан таралган азон товуши аҳли мўминларни бутун ислом оламида тан олинган олим номида қурилган масжид томон чорларкан, бу иш ташаббускори шаъниға дуолар янграйди!

Ободликдан
мамнун одамлар

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 1 июнь кунин Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишар экан, одамлар қалбига куч бағишлайдиган, ҳаётға нисбатан иштиёқни орттирадиган фикр-мулоҳазаларни аҳоли билан ўртқолашди.

— Ҳар бир маҳаллани Жиззахдаги Манасға ўхшатиб обод қилишимиз керак, — деди Президентимиз. — Барча ишларимиз замирида халқимизни рози қилиш максоди мужассам. Бунинг учун ҳамма имкониятларни ишға соламыз.

Шу кунин давлатимиз раҳбари Чилонзор туманидаги Тирсақобод маҳалласида амалға оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. 5 минг 200 нафардан ортиқ аҳоли истикомат қиладиган маҳаллада 9 та кўп қаватли ва 864 та ҳовли-жой мавжуд. Юртбошимизнинг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, мазкур маҳаллада ҳам катта ўзгаришлар амалға оширилиб, замонавий инфратузилма вужудға келган. Йўллар ва уй-жойлар таъмирланди, янада чирой очиб, кенгайди. Тирсақобод маҳалласида қачон қурилгани номьяълум, қуримсизгина бир масжид бор эди. Шу

ҳингизни уза олмайсиз. Аввалги масжидда бўлмаган минора шу тарихи бошдан-оёқ янгидан қурилди. Ота-боболаримизнинг меъморий диди, қурувчилик салоҳияти мана шундай қурилишларда намоён бўлиб келгани эндиликда яна буй кўрсатмоқда. Аждоқларимиз томонидан қурилган иморатларнинг ҳар гиштида кўнча тарих ўз ҳақиқатларини олиб келгани каби бугунги бунёдкорлик, фидойилик, камар-басталик фазилатлари ҳам халқ розилиғи учун қилинаётган ишларда ўз ифодасини топади. Бу кунларнинг шукҳи, файзу таровати юртимиз тарихиға зарҳал ҳарфлар билан ёзилди.

Аввалги Мўҳсинхон тўра масжиди зўрға тўрт-беш ўз одамни сиздирган бўлса, энди, бемалол икки минг нафар киши бу ерда намоз ўқиш имконига эға. Меҳробдан тортиб гўмбазчаға Шарқ меъморлигининг ноёб услубларида мунаққаш этилган. Намозхонлар рўпарасидаги меҳроб тепасида муқаддас китоблардан олинган ибратли фикрлар чиройли ҳусниҳатда ёзилган.

— Ҳозир бу ерда электрлаштириш, ёнғин хавфсизлиғи бўйича қилинаётган юмушларға ёрдам бераёлмиш, — дейди эзгу ишларға хисса қўшаётган ёш йигитлар Ҳўтир Самиров ва Шерзод Абдурахмонов. — Маҳалламизда шундай иншоот барпо бўлганидан фойдаланамиз.

Улар бу ерда энди кутубхона ҳам фаолият юритишини маълум қилишди.

Ҳақиқатан, ҳар қандай саёй-ҳаракат халқни рози қилиш учун бўлса, маъно-маъзунға эға бўлиб, улугворлик касб эта олишиға пойтахтимизда қад ростлаётган замонавий масжидлар гувоҳлик бериб турибди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Миробод туманидаги Файзобод маҳалласида истикомат қилган, асли қасби агроном Валиқўжа ўғли Норҳўжаининг хайрли ташаббуси билан маҳалла аҳли хашар қилиб қайта тиклаган, таъмирлаган Валиқўжа ўғли Норҳўжа жоме масжидининг деворлари лойдан бўлгани учун ўтган йили бузиб ташланди ва пишққ гиштдан қайта қурила бошланди.

— Бу жуда оқилона иш бўлди, — дейди Файзобод маҳалласи фаоли Баҳром ота Мирзаахмедов. — Масжид девори бурчакларининг эзиллабардошлигига ҳам қурувчилар алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бундоқ уйлаб кўрсангиз, бу эътиёт чораси ниҳоятда зарур.

Кўйлик, Файзобод ва бошқа яқин атрофдаги маҳалла аҳли шинам ва кўркем ушбу масжид очилишини интиқлик билан кутмоқда.

Дарҳақиқат, одамларнинг бу ҳаётдан рози бўлиб яшати, инсон қадри барча нарсадан улуг эканлигининг ўзи ҳам тақдорланмас шоднечанлиқдир!

Шойим БЎТАЕВ.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



“Сузуқ ота” мажмуасида ҳам бунёдкорлик авжида.

ОЛТИН, КУМУШ ВА БРОНЗА

Спортчиларимизнинг дастлабки медаллари шодасида барчасидан бор.



Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилаётган XVIII Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар ўзларининг юксак истеъдод ҳамда маҳорат соҳиблари эканликларини намойиш этишмоқда.



Мусобақанинг биринчи кунда спортнинг еттига турида қатнашган вакилларимиз яқинда 3 медалга сазовор бўлишди. Терма жамоамиз ҳисобига биринчи олтинни эркин курашчимиз Бекзод Абдурахмонов (74 кг.) тўхфа қилди. У финалда қозғистонлик Даниёр Кайсановга қарши баҳс юритиб, рақибини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бекзоднинг

ушбу олтин медали Ўзбекистон спорт делегациясининг Индонезиядаги XVIII Осиё ўйинларидаги биринчиси сифатида тарихга кирди.

Қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур чемпионлик Абдурахмонов учун Осиё ўйинларидаги иккинчи галаба ҳисобланади. Бунгача у 2014 йилда ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олишга муваффақ бўлган.

ди. Этиборлиси, тўрт йил олдин ҳам айнан Бекзод делегациямизга илк олтин медални тақдим этган.

Яна икки курашчимиз — Магомед Ибрагимов (97 кг.) ва Сирожиiddин Хасанов (65 кг.) делегациямиз ҳисобига бронза медалларни қўшиб қўйди.

Ушбу нуфузли мусобақада яна бир қувончли ҳолат кузатилди. Гап шундаки, Осиё ўйинлари тарихида делегациямиз ушбу бўйича илк маротаба медални қўлга киритди. Ушунинг таулу йўналишидаги баҳсларда иштирок этган Дарья Латишева мусобақанинг финал босқичида чиқиш қилиб, 12 нафар спортчи ичида иккинчи натижани қайд этди ва кумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек, кечаги баҳсларда спортчиларимиздан Ниёз Пулатов, Нигора Турсунқулова ва Давит Модзманашили муваффақиятли қатнашиб, терма жамоамиз жамғармасига битта кумуш ва иккита бронза медални қўшиб қўйди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси суратлари.

Танлов

Ватанимиз жамоли, халқимиз кайфияти — ижодкорлар нигоҳида

Оппок тонглар таровати, файзли кўчалар, қишлоқларимизнинг бугунги жамоли, шаҳарларимизнинг ойдin оқшомлари, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, одамларнинг кайфиятидаги кўтаринчилик...

Буллар — Тошкент Фотосуратлар уйида Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб ташкил этилган "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловига тақдим этилган тасвирий санъат, фото-дизайн асарларида акс этган дилуш манзаралар. Муаллифлар уларнинг ҳар бирида "Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!" деган эзгу гояни муқассам этишга интилган.

Кўрик-танловнинг очиқлиш маросимида бу алоҳида таъкидланди. Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, танкили ижодкорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кўрик-танлов Президентимизнинг шу йил 28 июндаги "Ўзбекистон

Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма етти йиллик байрамига тайёргарлик қириш ва уни ўлкасида тўғрисидаги қарори ижроси доирасида ўтказилмоқда. Танловнинг худудий босқичларида 150 дан ортиқ муаллифлар икки мингдан зиёд асарлари билан қатнашди. Сараланган 75 нафар ижодкорнинг 950 та асари республика босқичида ҳайбат аъзолари томонидан кўриб чиқиладди.

Ғолиблар энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида тақдирланади.

Тадбирда танловнинг фаол иштирокчиларига эсдалик совғалар топширилади.

Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Бу анжуман дунё халқларининг ўзига хос санъат байрамига айланади»



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Шаҳрисабз шаҳрида 6 — 10 сентябрь кунлари ўтказиладиган Халқаро мақом санъати анжуманига қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Мазкур анжуман муносабати билан айрим санъаткорларимизнинг фикрларига қулоқ тутдик.

Санъат

Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:



— Ватанимиз мақом санъатининг юрти ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳар бир санага бағишлаб ўтказиладиган давлат тадбирлари мавзуси ва байрамнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда саҳналаштирилади, алоҳида тайёргарлик билан ўтказилади. Мазкур анжуман сценарийси мақом санъати намуналаридан

ридан илҳомланган ҳолда биринчи маротаба саҳналаштирилмоқда. Айнан бизнинг юртимизда мақом санъати анъаналарининг қанчалик даражада сақланиб қолганлигини анжуманда намойиш этамиз.

Нуфузли тадбирнинг очилиш маросими Бухоро, Хоразм ва Тошкент-Фарғона мақом йўналиши-

лари бўйича мусиқий чиқишлар билан бошланади. Унда муҳлис-лар Шаҳрисабз ёш мақомчилари ва Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли томонидан "Бузрук", "Рост", "Наво", "Дугоҳ", "Сегоҳ", "Ироқ" мақом намуналаридан композициялар тинглайдилар.



Махмуд ТОЖИБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизси.

— Мақом шундай илохий қудратга эгаки, у кўнгилни губордан тозалайди, юракка эзгу мақсадлар жойлайди. Америкалик олимлар бу борада тажриба ўтказган экан: улар бир гуруҳ ёшларга жаз мусиқасини, бошқа гуруҳга мумтоз мусиқа намуналарини тинимсиз, бир неча соат давомида эшиттирибди. Ишонсангиз, жаз мусиқасини тинлаган ёшларда ҳаддан ташқари асабийлик, адоват ҳолатлари, мумтоз мусиқа тинлаган ёшларда эса одамийлик, меҳр-муҳаб-

бат туйғулари ошганлик ҳолатлари намоён бўлибди. Бундан хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг. Уйлаймизки, Шаҳрисабзда ўтказиладиган Халқаро мақом санъати анжумани санъатсевар халқларни миллий мусиқамизнинг бетақорро навалари, мумтоз мақом намуналаридан баҳраманд этади. Бу анжуман дунё халқларининг ўзига хос санъат байрамига айланади.

Рашидаҳон ҲАСАНОВА ёзиб олди.

«ELXOLDING»

ЮК ТАШУВЧИ МОТОЦИКЛАР

Тўлов шакли — ТУРЛИЧА ВА КРЕДИТГА.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

Тел.: (+99893) 330-50-00, (+99871) 239-12-54.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ООО «Butlash Garant Servis»

предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетономеситель гравитационный MC-200

Технические характеристики:

MC-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетономеситель гравитационный СБР-500А.1

Технические характеристики:

СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

Форма оплаты — перечисление.

ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергеевский р-н, ул. Олтин водий, 29А.
Телефоны: (+99897) 760-86-00, (+99890) 370-86-85.

POS-СИСТЕМЫ И АВТОМАТИЗАЦИЯ

- ✓ Торговые точки (магазины/супермаркеты)
- ✓ Бутики, непродовольственная розница
- ✓ Рестораны, кафе, бары
- ✓ Фитнес-клубы, бильярдные, боулинги и т. д.

ЛИЦЕНЗИОННОЕ ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ

АТОН Microinvest аўтматизацыя

✓ СВОЕВРЕМЕННАЯ ПОСТАВКА / АВТОМАТИЗАЦИЯ ПОД КЛЮЧ!

ЧЕКОВЫЕ ПРИНТЕРЫ

СКАНЕРЫ ШТРИХ-КОДОВ

ДИСПЛЕИ ПОКУПАТЕЛЯ

POS-ТЕРМИНАЛЫ И МОНОБЛОКИ

ВЕСЫ С ЧЕКОПЕЧАТЬЮ

☎ (+99871) 200-34-34 (доп. 18) 🌐 www.micros.uz ✉ scales@micros.uz ✉ info@micros.uz

Товар сертифицирован. Услуги лицензированы.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси

Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан таклиф этади.

Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88, (0-371) 291-68-94.

www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсуслот сертификатланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 78 048 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун олушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
"Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6